

ХОЖА МУҲАММАД ОРИФ  
АР-РЕВГАРИЙ

---

## ОРИФНОМА

ТОШКЕНТ  
«НАВРУЗ» НАШРИЕТИ

Дилшод ҚИЛИЧнинг «Турондот» корхонаси  
Х 70  
ББК 86.38

Форс-тожик тилидан  
Садриддин САЛИМ БУХОРИЙ  
ИСРОИЛ СУБҲОНИЙ  
таржимаси

Масъул муҳаррир ТИЛАК ЖҮРА

Хожа Мухаммад Ориф Ар-Ревгари.

Орифнома // Форс-тожик тилидан Садриддин Салим Бухорий, Исройл Субҳоний тарж.; Масъул муҳаррир Тилак Жўра/. — Т.: Наврўз, 1994. — 16 б.

Хожаи Ҷаҳон Абдулхолиқ Гиждувонийнинг шогирдлари Ориф ар-Ревгарий (Моҳитобол) бўлган. Хожа Орифнинг «Орифнома» асари борлиги ҳақида шу вақтгача бизда маълумот йўқ эди. Ваҳоланки, «Орифнома»дан Ҳазрат Баҳоуддин Нақіпбанд ва бошқа авлиё-алломалар баҳраманд бўлган, таълим олганлар. Қарийб 800 йил олдин ёзилган, ҳар бир жумласи ҳикмат, ҳар бир ганига олам-олам маъно сингдирилган бу асар Сиз — азиз китобхонларимизнинг жўнгил мулкингизга айланади деган умиддамиш.

АДАВИЙ ВАДИИЙ НАМІР

Хожа Мухаммад Ориф-Ар-Ревгарий  
ОРИФНОМА

Масъул муҳаррир Тилак ЖҮРА Муҳаррир Нортўхта ҚИЛИЧ  
Вадиий муҳаррир Азиз САЙД Мусаввир Нодир САЛОМ  
Техник муҳаррир Татьяна СМИРНОВА Мусаҳҳиҳ Зарифа МАННОПОВА

Босмахонага берилди 29.ІІ.94. Босинча руҳсат этилди 31.ІІ.94. Бичими 84×108½. Юқори босма. Мақтаб гарнитураси. Шартли босма табоби 1.00. Нашр табоби 0.84. Шартнома № 22 Жами нусха 75.000. Баҳоси шартнома асосида.

«Наврўз» нашриёти. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30 уй.

Дилшод ҚИЛИЧнинг «Турондот» корхонаси. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30 уй.

Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси ҳузуридаги Тошкент китобхонаси фабрикасида босилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1 уй.

## БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИМ

Ҳамди қоғий ва санойи воғий беадад ўшал Аҳадга-  
ким, — лам ялид валим юлад ва лам якунлаҳу куфуван  
аҳаддур (Аллоҳ тумаган ва туғилмагандир ва ҳеч ким у  
зотга тенг эмасдир. «Ихлос» сураси, 3—4 оявлар) Азза ис-  
миҳу (азиздур унинг исми) ва Жалла зикриҳу (ва унинг  
зикри буюқдир). Ва беҳад дуруд Расулигаким, яъни Му-  
ҳаммад ва Аҳмад аталмиши — алайҳи ва ала соирил ан-  
биёи минас-салавоти амкалухо ва мин аттаҳиёти аимма-  
ликҳо ва саллим ва саллим ала олиҳил узоми ва саҳабатил  
кироми ило явмил қиёма.

(Аммо батъ: Люҳал толибуллоҳ ва солиқудлоҳ!) эй,  
Аллоҳниң толиби ва Ҳақ ўйлидаги солик! Дунёни тарқ  
этмоқ, дегани Аллоҳдан бошқа нақиши (иом)ни қалбдан  
ўчирмоқ, йўқотмоқ, демакдир. Ва бу иш олий даражага  
етмогинига ҳужжат бўлгай. Барча роҳ, равиш — йўлда  
охирги мақсадга эришмоқ ихлосли бандалар учун фақат  
шу тарзда амалга ошигай. Бир маҳом (даража)дан иккунчи  
мақомга кўтарилимоқ аҳли нақшия ва каниғия учун  
оғир риёзатлар орқали ҳосил бўлади; зоро, ҳою ҳавас ва  
нағси аммора юқорига кўтарилимоққа тўсиқдир ва ушибу  
қусурлар барча мўъмин дилининг бузилимогига боис ҳи-  
собланур. На у-забиблиҳи миаззолик!

Мен — фақиру ҳақир, умрини беҳуда сарғ этган, пур-  
гуноҳ, пурхато Муҳаммад Ориғ ар-Ревгарий ёзиб маъ-  
лум қиласанки, одамни саодатга яқинлаштирувчи хис-  
лат шуки, ўзни малойикага монаид этсин! Яъни, нағсини  
ўзига бўйсундирсин жа афиғ (покиза) бўлсин ва ҳамма  
вақт зокир (Аллоҳни зикр этувчи) ва мудом бандалик  
аҳду паймонига жидду жаҳд айлаб сайъ-ҳаракат қиласин.  
Яъни, Ҳақ азза исмиҳу ва зотихудан ўзга зотни ўзига  
маҳбуб этмасин ва Аллоҳдан ўзга китишидан умидвор бўл-  
масин! Ва ҳамиша аброр ва ахёр (нек, фозил одам)ларга  
мулозимлик (хизмат) қиласин. Зоро, ҳуашер бўлсинки, ал  
вақту сайғуни қотиун! Яъни — вақт шамшир каби кес-  
кирдур! Турфатул айн (дақиқа)ни ҳам гафлат ва беҳуда  
ўтказмасин ва Субҳону таолодан бошқа зот хаёли билан  
хуш-хурсанд бўлмасин!

Эй ориф! Юқоридаги сабоқларни ўзлаштирдинг, сенинг эндиги вазифағын — Қуръони воқибут таъзим (таъзимга сазовор Қуръон)дан ва Расули Каримнинг ҳадисларидан ва парҳезкор аҳлулоҳлар (яъни Аллоҳга яқин кишилар) панду насиҳатлари, ҳикматларидан баҳра олиб, бошқаларни ҳам баҳраманд этгайсек ва тўғри йўлга бошлигайсан. Зоро, улар ҳам сенинг ҳақиқий биродарларингдур.

Люҳал ориф! Сен ҳамма ҳол ва ағъвол (ғеъл-автор) ва ҳамма аҳволда (қавл, сухағ, гапда) паришиб бўлмай, доимо Муҳаммад Мустафо салоллоҳу алайҳи ва саллам суннат ва шариатларига амал қилин ва зинҳор шак келтирмагил, токи шоумид этилган ва қувилганилар (шайтонга эргашувчилар) қаторига кириб, расвойни жаҳон бўлмайсан, наузанбиллоҳи миназ золик.

Эй ориф! Мавта қабла анта мавта! (Ўлим келишидан олдин ўлинг!) Бу Ҳақ таолонинг хос одамлари сифатидир. Сен ҳар қачон дунё оройиниға алданиб, унинг жилвагар зийнатларига учма, нафсоний муродотинг талабларини фаромуш айлаб, жисоми жонинингга илашиши мумкин бўлган разил иллатлару бузук хаёл ва фосиқ Фикрлардан ўзингни мосуво қилин! Ва барча-барчага молу жонинг билан баббаравар хизмат қилиб ва ҳечкимга хизмат буюрмагил, тоат-ибодатнинг барча арконларига сидқидилдан риоя эт! Янги иморат ва янги тўп (либос) ҳою ҳавасидан ҳазар қилин, нафрат айлагил! Зоҳир ва ботинингни хирадлик ва кудуратлардан пок айлаб, ўзингни Аллоҳ йўлига тўла бағишла ва ҳаргиз юксак мартабу олий даража, мақомотларга талабгор бўлма! Ва фақиру ганийликда аҳволингда ҳеч қандай ўзгариш сезилмасин ва ҳаргиз сенга Қуръони Карим тиловати ила тоат-ибодат этмоқ малол келмасин.

Зарурат бўлмаса жамоат бирла ўтирма ва гаппрма ва доим мағмузалайн (кўз юмуқ) бўл! Ва ҳамиши таважжух (диққат) ва иқболининг муқаддас илоҳий даргоҳга қаратилиган бўлсин. Ва аплак луқмага қаноат этиб, тоат риёзат ва зикрга мудом ҳарис бўл! Ва дунёвий фириб-найранг, лаззатларни ўзиянгга манзур этмагайсан!

Аюҳал ориф! Пок ва зок эътиқодли бўл! Зероки қора юрак, чиркин жўнгил бутув аъзойи бадавини палид (ҳаром) қилгай! Ахир, Аллоҳнинг бизни қабул этиши ё эт маслиги айни шу кўнгил туфайли-ку!

Аюҳал ориф! Имони комил мўъмин улдурки, пулу давлатдан юз ўғирсин, рангин либослар ва юзу неъматлар уни ўзига мафтун этмасин, катта нафс гадосига айланмасин! Ва у буларнинг барчасига зулм этиб, ҳақорат назари билан қарасин! Унинг нафси сарқашлик ва хур-

сандлық этмасин, рўзгор ташвишларида малул (гамгина) бўймасин. Ва яхши кун ҳам, ёмон кун ҳам унинг учун баробар моҳият қасб этсин.

Люҳал ориф! Расулуллоҳ салоллоҳу алайҳи васаллам буюрубдурларки: «Кунғид-дунё қоапнака ғарибуни ва обири сабилин». Мўъмин қиши ўз хонасига боши суқар эжай, ўзини қабри қароргоҳига кираётгандек ҳис қиласин. «Оё бу хонадан қайтиб чиқа оламанми ё йўқ», деб ўйласин, ташқарига чиққанда эса «Оё уйга қайтиш меп учун яна насиб этар ё йўқ», деб мушюҳада этсин.

Люҳал ориф! Бандап мўъмин Жаноби Ҳазрати Аҳдият муҳаббатига мұяссар ва олий мартабага эришган билан Аллоҳ таоло ибодатини ўзидан заррача ҳам соқит этмасин. Ҳушёр бўлки, анбиёи алайҳимуссалом Аллоҳга яқин бўлғанлари билан ҳаргиз зіммаларида амри ғаҳий ва боинқа ибодатлар соқит қилинмади, балки улар ўзгалардан ҳам кўпроқ машғул бўлдилар. «Фазлан анил валийи ва гайри золика из қолаллоҳу таборака ва таоло ва тақаддаса ватъбуд роббака ҳатта ятиякал яқин айил мавти» Олий ва муқаддас Аллоҳ таоло дедикни, бу дунёда сен ўзингни бир ғариб, шикастаҳол ва ёҳуд бир йўловчи каби ҳис қил. Ҳатто ўлимнингга бир даққа қолганда ҳам Парвардигоригга ибодат қил.

Люҳал ориф! Имон неъмати ва Раҳмон маърифатини ҳосил, этганингдан қейипп, алҳамдулиллоҳ, бу буюк лоязол (безавол) неъмат шукронасига машғул бўл. Ва бу илоҳий неъматга — қуфропи неъмат (яъни қўрнамажлик) этмагил. Ва қўрнамакликдан қўрқ ва ҳазар эт, наузан-биллоҳи миғаз-золик!

Билки, куфр — ҳува сатрул ҳаққи, яъни Ҳақни (ҳақиқатни) япириromoқ ва ширки ҳува ал шароку биллоҳи, яъни Аллоҳга тирик келтиromoқ ҳисоблапади. Даили шулки, ал-куилу финари ва мин-аҳлини нориа, яъни бўларнинг ҳаммаси дўзахийдур, аҳли дўзахдур. Бундайлардан узоқроқ юр!..

Люҳал ориф! Соликлар тариқатининг бошлианиши ва саодати калити ва диннинг амри — тавба-тазаррудур! Пайғамбар алайҳиссалом дегапларки: «Ат-тойибу миғаз-за би каман заниб алайҳу-таиба этган қиши ғенуноҳдек бўлиб қолади». Тавбанинг ҳақиқий маъноси бегоналийдан ошилоникка, (Аллоҳдан) узоқликдан (Аллоҳга) яқинлашмоқдур. Чупончи, тавба — ислом динининг туғи!

Люҳал ориф! Англагилки, кипипинг ҳоли позикдур! Мўмин дили соғ ва солим (соглом) бўлитти лозим. Аллоҳ таоло дедики: «Люмун ло янғау молун вало бунунун илло мап атомаҳу қалбип толимин. Вали қавлуху Таоло:

«явма янфау орифни сидқиҳум» — Қиёмат куни па мол, па фарзанд фойда бермас, қай шахсгаки Аллоҳ таоло солим қалб берган бўлса, ўшанинг фойдаси тегади. Орифларга сидқлари (Аллоҳга садоқатлари) ёр бўлгай!

Иносон хулқи, табиати ва ҳол-аҳволидаги нарсалар Аллоҳ таоло томонидан берилгандур, лекин қасб-хунар мақомига эринимоқ учун толиб бўлмоқ зарур. Шу толиблик жараёнидан сайдъ-ҳаракат ва таважижуҳ, кўплаб риёзат чекитиши ва жидду жаҳд ила ёмон иллатларни йўқотиш оқибатида нокизалик ва нек хислатлар ҳосил бўлгай ва даража ба-даража тарағаний этиб, камолот мартабаси ва шарафу висолга эришгай. Аммо бу ўринда солик учун бирламчи важд (завқчашак, ҳаяжон) лозимдурки, ул — қашғнинг муқаддимаси ва қашф — маърифатнинг ва маърифат — мушоҳаданинг муқаддимасидур. Ва шундан сўнггина унга гайб эҳсони мұяссар бўлур! Солик кўз ўнгидан шардалар кўтарилиган заҳоти унинг мушоҳадаси тиниқ кўзгуга айланур!

Аюҳал ориф! Ул қушки, бўйнида оғир (дунёвий) юқ осиғлиқ экан, бас, қандоқ кўкка парвоз айласун? Соликким, бу дунёга дилбандлиги бисёрдур, илоҳий парвоз қилолмас ва талаб водийсига қадам қўйолмас.

Аюҳал ориф! Ориф әмас, ул кишиниким илм ва маърифатигни шулдор дунёнараст ва бадавлат одамлар олдиға «дастурхон», бозор, балки хор айлагай! Агар мардум (халқ) ориф нури тажаллийсини кўрса — анда куйгай ва агар ориф Вужуд (Худо) нурини кўрса — анда куйгай! Ориф Ҳақдан — ҳаққа, олим далил-исботдан — Ҳаққа бормагай, важд бу ҳар икки ҳолга ҳам муҳтоҷ әмас.

Аюҳал ориф! Шайтони лаин ҳар саҳар ориф кишиига уймундоқ ваҳимали савол қўлур: «Бугун не тановул қи-лурсен?» Ориф ер: «Ўлим!» Яна дерки: «Либосинг йўқ, қай либосни киорсен?» Жавоб қўлурки: «Кафанин!» Яна сўроқ қўлур: «Қаю ерга борурсен?» Жавоб: «Гўрга!»

Аюҳал ориф! Каломи Мажид ва ҳадиси набавий салоллоҳу алайҳи васалламдан кейин машойихлар раҳматуллоҳи алайҳи қаломларини тинглағил, алар қалбда тавфиқ ва (Аллоҳ газабидан) қўрқув сабабчисидур. Ва Аллоҳ таоло душманларидан нафрат этмоққа ва Аллоҳ ризоси бўлган ишлар билан машгул бўлмоққа боис бўлгай.

Ва мин каломи ал-машойихо — машойихлар каломи ушбуудур: «Модомат таҳоғул фо анта мунофиқуна» — Модомеки камбагалликдан қўрқсанг, бас, мунофиқсен!

Ва минҳо: кимеки дарвишлар сұхбатини тарқ айлаб, бой-бадавлат, дунёлар анжуманини ихтиёр қўлса, Аллоҳ таоло унинг қалбини ўлимга мубтало этгай!

Ва минҳо: ал адабу ҳилиятул аҳорон — одоб пок одамлар зийнатидур.

Ва минҳо: жамии маърифат асосини Аллоҳ таолога бўлган сидқу эътиқод маърифати ташкил қиласиди.

Ва миҳо: банданинг Парвардигори висолига етишмогининг аввали ҳижронидур.

Ва минҳо: авлиёлик аломати учдур: биринчиси: баланц дараражани өгаллаганда ҳам камтар бўлмоқ; иккинчиси: қудрати, сабру тоқати етунча нарҳезкорлик қилмоқ; учинчиси: то кучи етгунча инсоф қилмоқ.

Ва минҳо: кўрдингки, мурид дунё талабига кўпроқ майл билдирур, бу унинг ортга қайтиши ва тубанлашмоги ишонасикур.

Ва минҳо: бирорни ҳаддан ташқари кўп мадҳ қилмоқ мажусийлик исботи ва бу иш Аллоҳ таолони инкор этмоқ ила баробардур.

Ва минҳо: хабарда айтибдурларки, мәрдумнинг ҳалокати шуаки, унинг тана аъзолари нағли намозлари ва тайин этилган фарз ва амалларга қалб амрисиз машғул бўлгай!

Ва минҳо: ал валию мал юволи авлиёоллоҳ ва юоди аъдааху — Валий ким? Аллоҳнинг дўстини — дўст, душманини — душман билувчи киши валийдур.

Ва минҳо: маърифатнинг чегараси — нағсдан холи бўлмоқ ва бунинг тадбири (усули) ҳалол нарсаларданги-на баҳрамац бўлмоқни одат қилмоқдур.

Ва минҳо: тавҳиднинг маъноси ушбулур: Сөнинг қалбингда Аллоҳдан бошқа зот учун жой йўқ, сигмагай.

Ва миҳо: очлик — зоҳидлар, зикр — орифлар таомидур.

Ва минҳо: кимеки Аллоҳ таолодан бошқа зотни азиз этиб, иззат қилгай, батаҳқиқ шу иззати уни хор этгай!

Ва минҳо: тақаббур — гуноҳга итоат этувчи шахсдур ва унинг тоати гуноҳдан кўра батарроқдур ва ўзига гуноҳидан кўра зарарлироқдур.

Ва минҳо: Аллоҳ таоло томон ҳақиқатан ҳам юз тутгани шахснинг аломати шулки, у йўлдан чалғитувчи пшилар ила машгул бўлмагай (Аллоҳ уни беҳуда ишлар билан машгул бўлишдан сақлайди).

Ва минҳо: бу дунёда вужудинг билан ва охиратда қалбинг билан бўл!

Ва минҳо: маърифат — қалбнинг Аллоҳ таоло ягоналигини таҳқиқ (тасдиқ) этмогидур!

Ва миҳо: қайси одамеки, истигфор этиб, тагин гуноҳга қўл ургай, Аллоҳ таоло бундайларнинг тавбасини ҳаром қилгай ва алар томонга ҳаргиз пазар ташламас.

Ва минҳо: эзи қуссучуни маоширатул аздоди — ёмон (бадкор) одамларнинг турган жойи зиндан торлигидан бошқа нарса эмас.

Ва минҳо: жимеки қилаётган амалини зоҳир, яъни намоён этгай — мунофиқ, риёкор, иккюзламачидур (мурайидур). Ва кимеки ўз ҳолини зоҳир этгай — ул муддайидур. Ал осий хайрун мишал муддайи — осий банда муддагидан кўра яхшироқдур.

Ва минҳо: ҳар ким ўз ихтиёри ила каромат зоҳир этса — ул муддайидур. Ва кимгаки уиниг ихтиёрисиз каромат берилса — ул валийидур.

Ва минҳо: сени Аллоҳдан тўсувчи парда дунёдур!

Ва минҳо: гоҳо сукунатнинг таъсири — қаломдан устивор тургай!

Ва минҳо: қай шахсгаким, нафси — каромат (ҳийла) этгай — уиниг динига зарар етгай!

Ва минҳо: албатта қўрқув — фақат Аллоҳ таолодан бўлмоғи лозим.

Ва минҳо: Ё офата ан-носи ало аюҳанноси! — Иисонлар фитнасидан огоҳ бўлинг иисонлар!

Ва минҳо: зоҳид ва қомил шайх улдурким, фатволарга амал этгай, акс ҳолда у васвос ёхуд жинниндур.

Ва минҳо: мард — Аллоҳ муҳаббатига етишгац қишининг ҳадди улдурким, Аллоҳнинг уига берганию бермагани (гам-шодлик) бир хилда бўлгай..

Ва минҳо: динпинг асли — ҳилмидур! Ва ҳилмининг асли — сабрдур. Абу Язид Бастомий (Боязид Бастомий—ҳижрий 216 йил таваллуд тоңган) жонини ҳаққа таслим қилаётган пайтда ўиғлаб шундай деган: «Уч хатарнинг орасида қолганман. Бири улдурким — гуноҳлар орасида мен, билмасменким, Аллоҳ аларни мағфират қилгайми ё йўқ. Иккинчиси: тоатлар орасида қолганмен, билмасменким, Аллоҳ аларни қабул қилурми ё йўқ! Ва шундай бир шоҳнинг (Худо) шараф қурбатида қолдим, билмасменким, ўзига чорлагайму ва ё ҳайдаб, қувиб солгай!

Ва минҳо: Робияи Адвия Ҳасан Басрийнинг асрдоши эди. Ул Ҳасан Басрийга уч нимарсанни жўнатти: булар мум (шамъ), игна ва соч толаси эди. Аҳли ҳикмат бу воқеани ушмундоқ шарҳ қилурлар: мум каби мулоийим бўл ва ўзинг ёниб оламни мунаввар айла! Ва игна каби ўзинг ялангоч-қолиб бўлса-да ўзгаларни кийинтири ва бир-бировларига пайванд эт! Ва Аллоҳ таолога олиб борувчи йўл — худди соч толасидек нозик ва ингичкадурким, тойиб йиқилишдан ҳутпёр бўл!

Ва минҳо: ориғ улдурким — Аллоҳдан ҳар бир тилаб оловчи нафасида қалбини яраттувчисига тамом бағишли-

син ва бу ҳол то сўнгти нағасигача давом этсин ва унинг бу сири халқдан пинҳон қолсин!

Ва минҳо: маърифатнинг самараси — Аллоҳ таоло томон юз тутмоқдур.

Ва минҳо: сизга Аллоҳ таоло ҳай бандадан рози бўлишини айтайми — ул кишиким, меҳнатига ва меҳнатдан келган неъматга шукронга қилур.

Ва минҳо: солик уйга киргаяда Ғаффор (Аллоҳ)нинг сунъини (ижод, оғариниш) ва ташқарига чиққанди эса Ҳабббор (Аллоҳ)нинг сунъини кўрсени (яъни ибрат олсиз).

Ва минҳо: Аллоҳ таоло санъатининг тамомиоси ила машғул бўлмоқ юят гўзал мутолаадур. Санъаткор (Аллоҳ)ни кўрмоқ бўлсанг унинг ижодини мутолаа (мушоҳада) эт!

Ва минҳо: мақтоб Парвардигорга бўлсинким, деди: «Мен сизларнинг Парвардигори оламингизман!»

Ҳеч бир аёлнинг ёқасидан бош чиқмагай (яъни бирор аёлнинг сўзига кирма)!

Вақтечи Робия Адвия қаттиқ бемор бўлди: Ҳасан, Молик, Шақиқ уни кўрмоққа бордилар ва беморлиги сабабини сўрадилар. Дедикий, мен жашнатга қарадим, Парвардигорим шу боис менга шазар этмади. Ва бу беморлигим дўст (Аллоҳ)нинг итобидандур. Ҳасан деди: ўз даъвосига содиқ эмас ул кишиким, Парвардигори урганда сабр этмаса!

Робия деди: суханингдан маниманлик ҳиди келмоқда.

Шақиқ деди: ўз даъвосига содиқ эмас ул кишиким, Мавлоси (Аллоҳи) урганда — шукур этмаса!

Робия деди: сендан маниманлик ҳиди баттарроқ келмоқда.

Молик деди: ўз даъвосига содиқ эмас ул кишиким, Мавлоси урганда — лаззат олмаса!

Робия деди: бундан-да ортиқроқ маниманлик бўлурми?!

Алар дедиларки: сен ўзинг айт!

Робия деди: ўз даъвосига содиқ эмас ул кишиким, Мавлоси урганда азбаройи унинг мушоҳадасидан урганини сезмасин, дард-аламини тамоман фаромуши этсли. Ва яна деди: Тилим махлуқлигим мушоҳадасидаан захм топмади. Ҳолбуки махлуқ Ҳолиқ мушоҳадасида шу сифат йўл тутса — бегоналардан (Аллоҳдан узок кишилардан) бўлмагай. Ва яна деди: Ҳар неки менга шу дунёда қисмат этгани бўлсанг, ўз душманларингга бер ва ҳар неки уқбо (охират)га мен учун қисмат этгани бўлсанг — дўстларнингга бер. Зоро, мен утум бу дунёда ҳам фақат ўзинг кераксен. Ва яна деди: «Худовандо! Агар сенга қўрққаним учун сигисам — мени дўзахингда куйдир ва

агар жаннатнинг умидида сигинсам — жаннатни менга ҳаром эт! Ва агар дийдоринг умидида бўлсан — жамолингни мендан дариг тутма, Парвардигорим!»

Ва миҳдо: ё раб, дилими намозга ҳозир айла ва дил торимиň ўзишга созла!

Нақл этурларки, Робиянинг душёдан рихлат этиш вақти етгасида бузруг машайхлар теварагида ҳозир эдилар. Робия деди: «Ўрнигиздан турғб, Аллоҳиниг элчиларига жой бўшатинглар!» Улар таниқарига чиқдилар ва эшик қия очиқ қолди. Ичкаридан шундай товуш әшиштдилар: «На айнатуаш нафсул мутманнах, иржиъни пла роббики розияташ марзийя» (Эй хотиржам нафс (руҳ, жон! Хотиржам нафс-бу мўъмин, итоаткор нафседир. (Эй хотиржам нафс) қайтиш роббингга (Аллоҳ сен учун тайёрлаб қўйган неъматлардан) рози бўлган ҳолингда ва сендан Аллоҳ (бу дунёда қилган ибодат ва тоатларингдан) рози бўлган ҳолда. «Фажр» сураси, 27—28-оятлар. Муҳаммад Сиддиқ Муҳаммад Юсуф таржимаси).

Бир оз фурсат ўтгач, эшикни очиб кўрдиларки, Робия жонини жононига тошириб, юзиши тупроққа ўтирибди. Ва уни тупроққа тоширганиларидан сўнг кечаси воқеада (тушларида) кўриб дедиларки, «Эй, Робия, ҳолингни баён эт, Мункар ва Накир савол-жавоби қандоқ кечди?» Ул дедити: «Чун фаришталар гўрга кириб, мендан: «Ман Раббука?» (Раббинг ким?), деб сўрдилар. Дедим: «Ортигизга қайтиш ва Аллоҳга айтишгич, анинг мингиаб мардлари бўла туриб, мендай бир нотавон ниразан заифани фаромуш этмади, мени андан бошица кишим йўқ, қандоқ Уни фаромуш қалай? Яна бирорни юбориб, Раббинг ким, деб сўртмоққа ҳожат борми?!»

Аюҳал ориф! Бапи одам табнатига хос ажойиботлардан бири ўгулки, ризқ-рўз топмоқ мақсадида беҳуда елиб-юрграй. Ваҳоланики Ҳақ Субҳонау таолонинг ўзи айтиб қўйинти: «Ва мо мин даббатен фил арзи ило алоллоҳи ризқуҳо» (Рўйи заминда ҳеч бир ҳайвон йўқки, Аллоҳ таоло унга ризқ бермаган бўлса). Аллоҳ таоло ризқни бермоққа кафил бўлган, лекин одамзот ўзини машаққатларга солгай ва охират даражасини тоғмоқ учун саъиҳаракат қилмагай, бовужуд билгайки, амалсиз охират ҳаробдур.

Аюҳал ориф! Расулуллоҳ салоллоҳу алайҳи васаллам-нинг ушбу саҳиҳ ҳадисларини типлагалил: «Бу дунёда қанча фурсат туришингга қараб иш қилгин, токи ортиқча амаллар билан умрингни беҳудага ўтказма! Ва охиратда қанча муддат туришингга қараб, Аллоҳга не миқдорда

муҳтоҷлигигингга ва яна жаҳаннам оловига нечоғли тоқат қила олишингга қараб иш қил».

Люҳал ориф! Бандалик уч таврдур: аввали — олий шариат фармойишларини қаттиқ тутмоқ, ижкинчиси — Худонинг қазосига рози бўлмоқ ва учинчиси — ўз итхиёри ва хоҳишидан кечиб, ҳақ Субҳонау таоло хоҳиши ва профессијадан хурсанд бўлмоқдур!

Люҳал ориф! Муршид (шир) улдурким, ҳалиқни дунёдан ухрга (охиратга) ва маъсият (гуноҳ)дан тоатга ва ҳирсдан-зуҳдга ва баҳиљлиқдан — саховатга ва кибрдан—тавозега, гафлатдан оғоҳликка, гурурдан — шарҳезкорликка чорлагай! Ва охират дўсти ва дунёвий зебу зийнат дуниманига айлантирасин. Ва Аллоҳ таолонинг: «магфират этаман!», деб берган ваъдаларига магрур бўлмасликка ва тарсакори — қўрқиши (Аллоҳ таоло газабидан) илмиши ўргатсии.

Люҳал Ориф! Фузайл Аёз (ҳижрий 187 йил вафот этган) кунлардан бир кун фарзаидини бағрига босиб, эркалаб тургандан боласи деди: «Эй, падар, менни яхти кўрасаими?» «Фузайл деди: «Оре!» «Бола деди: «Аллоҳничи?» Деди «Оре!» Бола деди: «Оё падар, ичета юрагинг бор?» Деди: «Битта юрагим бор». Ул деди: «Бир юракда иккى дўстни қандоғ сиғдирасан? Бир идишда сув ва отанини сақлаб бўлурми?!» Фузайл раҳматуллоҳи алайҳ билдики, бу садо (калом) гайбдан зоҳир бўлди ва Ҳақ таолонинг ғайратидандур. Фарзаидини бағридан узиб, ерга қўйди. Тупроққа юз тубан тушиб, юз-қўзини ерга урганича жононига топширди.

Люҳал Ориф! Мардлар Аллоҳ таолонинг муҳаббати даражасига шу вақтда эришган бўладиларки, Ҳақ таолонинг манъ ва атоиїга бир хил мушосабатда бўлсалар.

Люҳал ориф! Сўфиёни Саври раҳматуллоҳи алайҳи бир кечаFaқиј ёнига борди. У оят, ахбор ва осорлардан ганирди. Нировардида Сўфиён деди: «Бу кеча на қадар файзли ва муборак бўлди», Faқиј деди: «Бу кеча ва бу суҳбат на қадар бемаза бўлди». Сўфиён деди: «Нега бундай деяпсан?» Деди: «Зеро, сен бу кеча фақат менга малзур бўлгилни бир фикр айтмоқда ва мен ҳам сенинг дилингни хушнуд этувчи сухан демоқ ила машгул бўлдик. Ваҳоланки, ҳар иккимиз ҳам Аллоҳ таоло зикридаи мосуву бўлдик. Бинобарни, ҳам суҳбатдан, ҳам узлатдан маҳрум бўлдик».

Люҳал ориф! Огоҳ бўлгилки, у — Faқиј деди: «Шукдай бир жойда бўлгилки, сени ҳеч ким ташимасин ва сен ҳам ҳеч кимни ташимагин». Япа деди: «Қошки эди, одамлар мени ўз ихтиёrimга қўйиб, менга салом берма-

салар ва бемор бўлсам кўришга келмасалар». Ва кечқурун бўлаверса, у шодланиб кетарди, энди менга хилват насиб этар ва Ҳақ таоло ила суҳбат бўлади», дер ва тонг отганда гамгиҳ бўларди, нечукким: «Халиқ энди келиб мендан аҳвол сўрагай ва бисёр ташвиш бергай!» деб. Ва яна дедики: «Кимеки халқ билан унс (яқин, ҳамсуҳбат) тутгай, ул ҳаргиз (хаф-хатардан) саломат қолмас. «Ва яна деди: «Дунёвий муҳаббат — барча кулфат ва ёмонликлар калитидур. Ва барча яхшиликлар калити — тарки дунё қилимоқдур» Ва яна деди: «Бас, шундай мардлар борки, мабраз (ҳожатхона) га қиурурлар ва у ердан шок бўлиб чиқурлар ва шундай кишилар ҳам борки, Қаъбага борурлар ва у ердан палид (ҳаром) бўлиб қайтурлар. Ва икки нарса қалбни фосид (ифлос) қиласди: кўп емоқ ва кўп ухламоқ».

Аюҳал ориғ! Абу Туроб (Абу Нахшимий — Боязид Бастомийнинг шогирди) деди: «Қоронғу тунда бир саҳродаң ўтар эдим, баногоҳ отлиқ бир киши пайдо бўлди. Қўрқиб кетдим ва сўрадим: «Сен девми ё нари?» Отлиқ деди: «Ўзинг-чи, мусулмоним ё коғир?» Дедим: «Мусулмониман!» Деди: «Мусулмон Аллоҳ таолодан бошқа зотдан қўрқмайди-ку?! Қола Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи вассаллам: Мая хофа аниллоҳи хофа аниҳу қулли шайен — Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи вассаллам дебдиларки, Аллоҳ таолодан қўрқдан кишидан ҳамма нарса қўрқади». Ҳавф танамни тарк этди ва билдимки, у Ҳақ Субҳонаҳу тарафидан юборилган киши экан!»

Аюҳал ориғ! Яҳё Розий р.а. нинг бир биродари бор эди. У Маккага кетди ва ўша ерда муким бўлди. Бир замон Яҳёга мактуб ёзиб дедики: менда уч армон бор эди, учининг иккитасига эришдим. Бирин — умрим охирида шундай бир манзилга етсамки, ул жой барча ерга нисбатан муҳаддас ва фазилатли бўлсин! Иккинчиси — бир ходима (хизматкор) тошайки, ҳамиша менга садоқат билан хизмат этса... Ишшоллоҳ булар менга муюссар бўлди. Учинчиси — ўлимимдан олдин сенинг дийдоришгни кўриб, кўнглим таскин топса. Лекин ҳануз ушбу учинчи муродим ушалмай турнибди».

Яҳё биродари мактубига жавоб ёзди: «Сенинг ҳар уччала орзуйинг ҳам Ҳақдан йироқ бўлганлар орзусидир. Ҳатиннга «фазилатли заминидаман» дебсан. Сен фазилатли одамлар қаторига қўшилмоққа ҳарақат қил, зоро фазилатли мард жойни азиз этар, жой мардни фазилатли қилимас. Эслагилки, айча мулҳат ҳаттоқи муҳтарам ҳарам, (Қаъба)да бутпарастлар ва мушриклар яшар эди. Лекин уларга бу макони шарифдан бирон фойда тегдими?!

«Яъни, улар фазилатли ҳам, мусулмон ҳам бўлмадилар). Ба: «Менга бир садоқатли ходиманинг Ҳудо берди», деб хушиуд бўлиб ўтирибсан. Агар сен мард бўлгашинингда эди — ҳаргиз бирорининг хизматини орзу ҳам ва қабул ҳам қилмас эдинг. Зоро, маҳдумлик — Ҳақ сифати ва ходимлик банда сифатидур. Бинобарин, бу орзуйининг ҳам ботиллур. Ва бу Фиръави шеваси ва табиатига хосдур. Ва мен кўрмоқ орзуйингга келсак, агар сенинг юрагингда Ҳақ таолонинг муҳаббати жой олган бўлса, ўзга киши учун у ерда жой йўқ. Ва агар сен Аллоҳ таоло муҳаббатини топган бўлсанг — унда мен ортиқчаман, агар тоимаган бўлсанг — унда мёндан фойда йўқ».

Люҳал ориф ал комил! Одам ўлганидан кейин унинг қўл-оёғини аввал ростлаб, сўнг боғлайдилар. Ундан кейин эса чакагипи тағиби қўядилар. Ҳикмат улдурки: «Эй бечора банди, тўп таку дав қилиб юргурдинг — елдинг, энди ором ол. Не-не дунёвий нарсаларни олдинг, энди уларни жойига қўй. Ва бу оғзиңг билан пималарни гапириб, пималар демадинг, энди — то қиёматгача хомуш бўл!»

Эй, бандан ориф! Шақиқ Балхий (ҳижрий 174 йил Душанбенинг Хатлон вилоятида шаҳид қилинган) р.а. пинг Эмина исмли қизи бор эди. У отасига деди: «Отажон, мепи Эмнина деб чақирма! Эмин — ул кипиким, Ҳақ Субҳонаҳу таоло газабидац эмис (бехавф, бехатар, қутулган тинч, омон) бўлгай. Ва мен хавф-хатардан холи экаплигимни билолмадим, балки тўрт хавф-хатар орасида ёлангман: аввали — ўлим! Аллоҳ таоло айтмисилар — «Кули нафсеи зоиқатул мавти» — ҳар бир жон (нафс) ўлим шарбатини тотгусидур. Яъни бирор руҳ (жон)нинг бу шарбатдан ичмасдан иложи йўқ. Иккинчиси: гуноҳ хавфи шуки, Ҳақ таоло деди: «Кули нафсин бимо касабат раҳинатун», яъни ҳар жон ва ҳар тан, неки айлар — хоҳшарр, хоҳ хайр ва хоҳ фойда ва хоҳ заарардур — ўша айлаган иши миқдорида ўзи гаровдадур ва буларнинг ҳар бири учун хос жазо ё мукофот олур. Учинчиси: душман улдурки, Худованди таоло деди: «Иннаш-шайтона лакум адувун мубинун», яъни, батаҳқиқ пайтони лайн душман дур, сизлар учун, эй менинг бандаларим!» Тўртичи хавф — ишнинг охпидурким, бплмасменким, қай тариқа тугар! «Ва мо адри мо юғъалу би вало бикум», яъни охпир-оқибатим нима билан тугапни билмайман. Эй, отажон, сиз ҳам буни билмассиз... ки, охпир-оқибатиниз не бўлур...» У шундай деб жопини Ҳақ таолога топширди.

Люҳал ориф ас-солик! Менинг жон қулоғинги билан тиғла, панду насиҳатларни қалбингга нақш эт. Ул маъданни ҳақойиқ ва толеъ-ал-алойиқ ва Жаноби фониқ ва кошифи

субъоний ва дину дунё шайхи, муктадоси ва мавлонойи Ҳазрати Ҳожа Абдулхолиқ Фиждувоний тоба сарроҳу ва жаъала ул жанната масвоҳуро ва доиван зиёрати ҳарамайин шарифайи (Макка ва Мадина)ни иншат қилдилар. Ва бу қусурли башда, соликлар ёғининг тупрогини (яъни Ҳожа Ориғини) Фиждувондаги Хонақоҳда ўз ўринларида қолдириб, ишни давом эттиришини ишора қилдилар. Ўзлари эса Бухордан сафарга чиқиб кетдилар.

Ўшал асрда Ойша исемли бир маънунина аёл бор эди. Ойша доимо юзини ёпмай, бош яланг юрар эди. Унга ҳарчанд сатри аврат лозим, яъни юз-бошининг номаҳрамлардан беркит, десалар ҳам у буни қабул қилмас ва дер эди: бугун бу дигерда мард қани? Ки мен унда ўзимни олиб қочиб, юз-бошимни беркитсан..

Куплардан бир куп бир понвой тоиг-саҳардан тапдирга ўтии қалаб туарар эди. Энди пон ёници фурсати келганд, баногоҳ Ойша ҳовлиқиб келиб қолди ва парвона ўзини оловга урган каби лов-лов ёниб турган ўт ичига ўзини урди, яъни ҳандир ичига кирриб понвойга хитоб қилиб деди: «Тандирниг оғзини ёғгил! Ахир, Аллоҳ таоло мардларидан бири Бухорога келаётир. Менга сатри аврат келтир!» Нонвой саросимада қолди, сўнг бу ҳолдан тааложкуб қилди. Ойша боз деди «Мешга қийим-боп келтир, токи ёпиниб алар истиқболига чиқай!» Нонвой пошилинч уйига жўнади ва зудлик билан кийим-кечак келтирди. Ойша уларни кийиб ташқари чиқди. Нонвой кўрдики, олов унинг ҳатто бир мўйига ҳам зиён қилмабди. Нонвой Ойша валоятини кўриб, унинг оёғи остига ўзини отди ва ҳақиқий сирдан воқиф эт, деб илтижо қилди. Ойша деди: «Уч йилдан бери муршид ал халойиқ, зоҳирни ботинига мувофиқ, яъни шайхо ва мавлоно Абдулхолиқ Фиждувоний муборак ҳаж зиёратида эдилар. Бугун тоигдалоқ ул Ҳазрат Жайҳун дарёсидан ўтиб, Бухоро томон юз тутдилар. Шул боис менга юз-бошимни беркитмоқ зарурати бўлди. Энди истайманки, ул зоти бобаракот ғул заматида бўлай. Агар хоҳласанг, сени ҳам бошлиб борай. Нонвойга тавғиқ рафиқ бўлди. Ойтанинг шарофати билан тариқат аҳлининг рапси, ҳақиқат асрорининг маъдани — яъни Ҳазрат Ҳожа сұхбатлари шарафига етишиди. Ҳожа р.а. ўринларидан туриб, Ойтага иззат-икром кўрсатдилар. Ул попвой ҳам пирга иродат этди ва таважжуҳ ва юрак сабоги ва қалб зикрини топди. Ва Ҳақ йўлдаги соликлар жумласидан бўлди.

Аюҳал ориф ас-солик! Ҳазрати Ҳожа (яъни Абдулхолиқ Фиждувоний) р.а. дедиларки, кимеки уч нарсави дўст туттай унинг жойи дўзахдур. Биринчи — лазиз таом-

ларни емоққа ҳарис, иккинчиси нағис либосларни киймокқа ружу қўйган кипши, учичиси — фақир-камбагаллар сұхбатиниң ишсанд этмай, бой-бадавлатлар сұхбатини орзу этган киши. Зеро буларнинг ҳар бири ҳою ҳавас ва нағс муроди ила ҳосил бўлур.

Люҳал ориф ап-носих! Ўпр купи Ҳазрати Ҳожага савол бердилар: «Дилминг фарогати шимадап ҳосил бўлур?» Ҳожа буюрдиларки, дилминг фарогати — унинг тасфити— яъни поклигидадир. Агар ул дилга дунё молидап заррае тамаъ бўлмаса, дил фарогатда бўлур.

Ашур ойи эди. Жамоа Ҳазрат Ҳожа сұхбатларида ҳозир, Ҳазрат эса маърифатдан сабоқ берадётган әдияр. Баногоҳ бир мәрд зоҳид ва соликлар суратида пайдо бўлди: эгнида хирқа, жиғтида сажжода (жойцамоз), хонақоҳга кирди, бир бурчакда ўтириди ва бир соатдан кейин ўрнидан туриб, Ҳазрат Ҳожага деди: «Аттақво фаросатул мўъминин фаяшпаҳу янзуру би нурил-лоҳи» «Сизлар мўъмин зийраклиги билан қуроллангаплар, чунки у Аллоҳ нури билан боғади» ҳадиси сиррини бизга билдириш!» Ҳожа дедиларки, бу ҳадисининг сири шуки, зуниорининг кесгайсан ва иймон келтиргайсан. Ул мәрд деди: Маро зунпор зи пор каффора бошад (яъни зунпорим дўзахда напоҳимдур) паузапбilloҳи миғаз-золик.

Ҳожа бир ходимларига буюрдилар, ходим йигитнинг хирқасини ечди ва белидаги беситик зунпори памоённ бўлди. Ул йигит зунпорини кесди ва иймон келтириди. Ҳожа р.а. дедилар: «Эй, ёронлар, бу наваҳд йигитким — зоҳир зунпорини кесиб, имон шарафига мушарраф бўлди, биз ҳам ботин зунпорини кесайлик ва қайта иймон келтирайлик. Даврадагиларда ажиб бир ҳол пайдо бўлди ва ҳаммалари тавба ва истиғфорларини тоза айлаб, қайтадан иймон келтирилар.

Ҳожа р. а. дедилар: «Ислом асоси уч парсададур: биринчиси — ҳар тоате ва ибодатеким айларсиз — апинг илмидаан воқиф бўлинг! Иккингчиси — ҳар илмники ўрганибсиз — унга амал қилинг! Учинчиси — ҳар амалини этгайсиз — сидқу ихлос билан адo этгайсиз».

Ўзим воқиф бўлган воқеалардан бири шулки, Ҳазрат Ҳожамиз наравараллоҳу марқадаҳу умрларининг поёнида асҳоблардан баъзи бирлари ҳазратининг ёиларида әдик. Ҳазрат Ҳожа дедиларки, «Эй, ёроплар, Ҳақ Субҳонаҳу таоло менга башпорат этди ва деди: «Кимеки бу равшан йўл (тариқат)ни тутган бўлса — унинг гупоҳларини кечдим. «Жаҳд айланг — токи бу Ҳақ йўлдан бенасиб қолмангиз — қаттиқ тутинг!»

Бир соатдан сўнг гайбдан овоз келди: «Яа аййатуҳан

нафсул мутмаиннаҳ. Йржиъи ила роббикӣ розиятаи мажзия. Фадхули фии ибади, вадхули «жаннати» — Эй хотиржам нафс, қайтгии раббинигга (Аллоҳ сен учун тайёрлаб қўйған иеъматлардан) рози бўлган ҳолингда ва сендан Аллоҳ (бу дунёда қилган ибодатларингдан) рози бўлган ҳолда. Аллоҳнинг яхши кўргани бандаларига қўшилиб, жаннатимга киргин.

Сўнг Ҳазрат жонни Ҳаққа топширдилар. Биз марҳумнинг асбоб шароитларини ҳозирладик. Лекин ул зоти шарифнинг муборак лаблари ҳамон: «Аллоҳ, Аллоҳ» зинриши цичирлаб туарди. Ҳозир бўлганлар бир-биirlаридан: «Буида не ҳикмат бор?» деб сўрар эди.

Аллоҳумагфирлано ва машойихано вал жамнил мўъминин ва мўъминот—Аллоҳ машойихларни, барча мўъмин ва мўъминаларни ўзиңг магрифат айлагайсен!

Бу китоб тарихи «Нур ало пур» қалимасидап чиқарилди (ҳижрий 622). Нур қасабаси (Бухоро ноҳиясига қарамапли Нур қасабаси) да бўлганимизда зубдатул соликин (соликлар аълоси) ва мўъмини толиб Ҳожа Наим илтимосига мувофиқ бу китоб ёзилди. Ҳожа Наим дедики, муҳтасар бир асар ирод этсангиз — ул муниси хуззор (ҳозиргиларнинг дўсти) ва боиси эътибори ахёр ва аброр (улуг қишилар) бўлсин.

Шу ерда Ҳожа Ориф рисолалари тамом бўлди.

Ҳожа Муҳаммад Ориф ар-Ревгарий вафотлари тарихини билдирувчи қитъя ушбуудур:

Афсус шуд пинҳон Моҳитобон ба зери ҳок,  
Килькам сияҳпӯш, жигар реиш, сина чок.  
Тарих баҳри роҳлати у жустам аз қалам».   
Қутби замон ва Орифи биллоҳ зери раҳам.

(Мазмуни: Афсус, Моҳитобон тупроқ остига пинҳон бўлди, қаламиг қора қийинди, жигарим тилинди, сийпам чок бўлди. Унинг марҳум бўлган йили «Қутби замон ва Орифи биллоҳ зери раҳам»дан чиқади)

Алҳамдуиллоҳки, Ҳожа Муҳаммад Ориф ар-Ревгариининг муборак нусхалари ҳақир ва хоку туроб банда: яъни фақир — Шермуҳаммад Нақшбандий Мужкададий (банда халифалик ила машҳур) дастхати бизан зулҳижжа ойининг 9'кунида ёзилди.

Тарикӣ раҳмати яздон касе бод,  
Ки котибро ба алҳамдуиллоҳ, кунад ёд!

Мазмуни: Аллоҳ раҳмати бўлсин ўшал қишигаким, котибни алҳамдуиллоҳ ила ёд этгай.